

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ**  
(Чойшаблар тўплами сотиб олиш бўйича)

2022 й. «17» 5

2022-1885-3-46-ТВ-

сон

\_\_\_\_\_ ш.

«Умиджон Техно Сервис» хусусий корхонаси (кейинги ўринларда- “Ижрочи”) низом асосида иш олиб борувчи жамият раҳбари Қаршибоева Ойниса орқали бир томондан ва Ш.Рашидов туман тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда-“Харидор”) номидан низом асосида иш олиб борувчи Б.Данобоев орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1.Шартнома предмети**

1.1 “Сотувчи” ўзига тегишли товарни “Харидор”га мулки қилиб бериш, “Харидор” эса молк-мулкни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Молк-мулк тўғрисида маълумот:

Т/Р	Маҳсулот номи	Фойдаланиш кафолат муддати (йил, ой, кун)	Ўлчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Чойшаблар тўплами	1-йил	Комп.	342	183 500	62 757 000
2						
3						
	Жами:			342	x	62 757 000

**2.Шартнома нархи (қиймати)**

2.1.Шартнома баҳоси 62 757 000 (Олтмиш икки миллион етти юз эллик етти минг) сўмни ташкил қилади.

**3.Тўлов шартлари**

3.1.Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**4.Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати**

4.1.**Харидор** олинаётган товар учун олдиндан 30 % тўловни амалга оширади, қолган 70 % қисми маҳсулотни олган кундан бошлаб 30 кун ичида тўлаб берилади.

4.2.**Харидор** сотувчининг ҳисоб рақамига келишилган пулни ўтказгандан сўнг, **Сотувчи** харидорга 3 кун вақт ичида товарни етказиб бериши шарт.

4.3.Мазкур шартнома тарафлар уни имзолаган пайтдан ва Ҳазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

**5.Тарафларнинг мажбуриятлари**

5.1.Сотувчининг мажбурияти:

5.1.1.Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Харидор”га товарни етказиб бериш;

5.1.2. Тегишли даражада сифатсиз махсулот юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг сифатли бўлмаган товарни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

5.2. Харидорнинг мажбурияти:

5.2.1. Махсулотни олиб ҳисобварақ-фактура тузган холда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олади.

5.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида сотувчини огохлантиради.

5.2.3. Товар баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлайди.

## **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

6.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.

6.2. Сотувчи товарни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун Харидорга етказиб берилмаган ҳар бир кун учун товар баҳосининг 0.5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган товар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги зарур.

6.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, Сотувчи Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун сифатли бўлмаган товар баҳосининг 0.5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди.

6.4. Харидор товар учун ўз вақтида тўланмаган сумма учун сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0.4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

## **7. Форс-мажор ҳолатлари**

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## **8. Низони ҳал қилиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал қилинади.

### 9.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1.Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

9.2.Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ, келтирилган зарарни тўлаган ҳолда тарафлардан бирининг ташаббусига кўра муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

### 10.Бошқа шартлар

10.1.Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

10.2.Шартномага илова: \_\_\_\_\_

### 11.Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Сотувчи: «Умиджон Техно Сервис» хусусий корхонаси	Харидор:Шароф Рашидов ТТБ
СТИР: 301 220 524	СТИР: 201369784
ОКОНХ:-	ОКОНХ: 91511
Юридик манзили: Молтоб ҚФЙ Янгиқишлоқ қишлоғи	Юридик манзили: Ш,Рашидов тумани Янгиобод МФЙ Шифокорлак кучаси
Ҳисоб-китоб ҳисобварағи: 20208000804785791001	Ш/х.р 100022860082127073101054003
Телефон/факс:94 575 46 35 90 310 35 04	Телефон/факс : +99872 342 13 03
Банки: Ғалларол Микрокредит банки	Жиззах тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси
МФО: 00142	Ҳисоб-китоб ҳисобварағи:- 23402000300100001010
	СТИР-201 122 919
	Банки-Марказий банк Тош. Шахар
	МФО-00014

### 12.Тарафларнинг имзолари ва мухрлари

Сотувчи:


О.Қаршибоева

*Савба*

Харидор:

Б.Б.Данобоев





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
SHAROF RASHIDOV TUMAN YURIDIK XIZMAT  
KO'RSATISH MARKAZI

131100, Sharof Rashidov tumani, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy,

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: OLDI – SOTDI SHARTNOMASI №
2. Loyihaning ma'zmuni:


«Умиджон Техно Сервис» xususiy korxonasi (keyingi o'rinlarda "Sotuvchi" deb yuritiladi) nomidan Nizomi asosida ish yurituvchi raxbari Qarshiboeva Oynisa bir tomondan, Sharof Rashidov Tuman Tibbiyot Birlashmasi (keyingi o'rinlarda – «Xaridor» deb yuritiladi) nomidan nizomi asosida ish olib boruvchi raxbari Danoboyev Baxodirjon ikkinchi tomondan ushbu shartnomani orqali, «Sotuvchi» buyurtmaga asosan 342 (uch yuz qiqr ikki) komplekt choyshablar to'plami mahsulotini o'z vaqtida sifatli etkazib berish, «Xaridor» mahsulotni qabul qilib olish va jami 62.757.000 (oltmish ikki million yetti yuz ellik yetti ming) so'm to'lovni o'z vaqtida amalga oshirish, majburiyatini olishi to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot;  
Sharof Rashidov tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan tayyorlangan va 2022 yil 17 mayda markazga kiritilgan.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'RQ 670-1-sonli Qonuni talablariga mos tuzilgan, undagi munosabatlar O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 386-456-moddalari bilan tartibga solinadi. SHartnoma shartlari Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun, FKning 386-456 moddalari talablariga mos keladi, taraflarning javobgarligi me'yorlari va nizolarni hal etish tartibi qonunchilik talablariga mos keladi.

Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



B.Safarov

Шароф Рашидов туман Тиббиёт бирлашмасига сифатли материалдан Чойшаблар  
тўплами хариди учун

ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ № 5

2022 йил 17 Май


Ш.Рашидов т.

Биз куйида имзо чекиб тасдиқловчилар комиссия раиси Шароф Рашидов ТТБ раҳбари Б.Данобоев, комиссия котиби ҳисобчи Ф.Аширов, аъзолари ҳисобчи О.Нодиров, хамшира Х.Қодирова Хўжалик мудирлари З.Караматов Мухандист О.Жайноқов Шароф Рашидов туман Тиббиёт бирлашмасига сифатли материалдан Чойшаблар тўплами хариди бўйича 6 май 2022 йил 22110012081912-сонли ЛОТ билан 62 923 998 (олтмиш икки миллион тукқиз юз йигирма уч минг тукқиз юз туксон саккиз) сўмлик харид тендер танловига куйилган.

2022 йил 6-май куни 22110012081912-сонли ЛОТ билан танловда иштирок этган корхоналар ичида «Умиджон Техно Сервис» хусусий корхонаси 62 757 000 (Олтмиш икки миллион етти юз эллик етти минг) сўмлик чойшаблар тўплами етказиб бўйича танлов ғолиби бўлган.

Чойшаблар етказиб бериш бўйича 2022 йил 13 май куни танловда ғолиб бўлган «Умиджон Техно Сервис» хусусий корхонасига дастурда шаклланган 81912-сонли баённомасига кўра ЎРҚ 684-нинг 7-8 бандига мувофиқ баённома тузилган 2 (икки) иш куни муҳокамада турди ва ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли «Умиджон Техно Сервис» хусусий корхонаси билан 2022 йил 17 майдаги 2022-1885-3-46-ТВ-сонли олди-сотди шартномаси тузишга келишилди.

Комиссия раиси:



Б.Данобоев

комиссия котиби:




Ф.Аширов


комиссия аъзолари:



З.Караматов



О.Жайноқов



Х.Қодирова



О.Нодиров